

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УМРҚУЛОВА СОЖИДА ХУСАНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ *HYALOMMA* АВЛОДИ  
КАНАЛАРИНИНГ ФАУНАСИ ВА СЎЛАК БЕЗИ СЕКРЕТИНИНГ  
ТОКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/B112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Азимов Джалалиддин Азимович</b> биология фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Дадаев Сайдулла</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Эшова Холиса Саидовна</b> биология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «30» апрел куни соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [info-zoology@academy.uz](mailto:info-zoology@academy.uz).)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «16» апрель куни тарқатилди.  
(2018 йил «16» апрелдаги 12- рақамли реестр баённомаси)

**Э. Шерназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раис ўринбосари, б.ф.д., профессор

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н.,  
катта илмий ходим

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши кишлоқ хўжалиги ва овланадиган ҳайвонларда паразитлик қилувчи организмларнинг кенг тарқалишига ва уларнинг зараркунандалик таъсир кўламини ортиб боришига олиб келмоқда. Бу борада, ҳайвонларнинг қон сўрувчи эктопаразитлари – Ixodidae оиласи каналарининг таъсири натижасида чорвачилик соҳаларининг ривожланиши ҳамда маҳсулдорлигининг кескин пасайиши кузатилмоқда. Шунга кўра, кишлоқ хўжалигида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва маҳсулдор ҳайвонларни эктопаразитлар билан зарарланишидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, янги услуб ва воситаларни яратиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг илмий марказларида чорвачиликнинг барқарор ривожланишида озиқ-овқат ҳавфсизлиги муҳим ўрин тутиб, ҳайвонлар эктопаразитлари - каналарнинг турлар таркиби, биологик ва функционал хусусиятлари, улар миқдорини бошқаришда турли услуб ва воситаларни қўллашнинг илмий асосларига доир тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда чорвачиликнинг барча соҳаларида ҳавfli касалликларни келтириб чиқарувчи эктопаразитлар *Hyalomma* авлоди каналари кенг тарқалган бўлиб, ветеринария амалиётида алоҳида ўринни эгаллайди. Турли агроценозларда ҳамда табиий шароитларда уларнинг тарқалишини, турлар ҳилма-хиллигини ва “паразит-хўжайин” тизимининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши курашиш борасидаги чора тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Республикамизда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, кишлоқ хўжалик ва овланадиган ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун уларда кузатилаётган турли касалликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда алоҳида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, қон сўрувчи каналарини ҳайвонларга (қорамол, қўй, эчки, от, туя ва бошқалар) салбий таъсири ва улар сонини бошқаришда инсектицидлар қўллаш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...кишлоқ хўжалигини модернизациялаш, ветеринария хизматларини яхшилаш ва эпизоотик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу йўналишда, жумладан, Ўзбекистоннинг жанубида *Hyalomma* авлоди каналари тур таркиби, доминант турларининг экологияси ва ҳаёт цикллари, ҳамда сўлак беzi секретларининг биологик фаоллигини аниқлаш ва каналарга қарши такомиллашган кураш усулларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Ixodidae* оиласи каналарининг турлар таркиби, морфологияси, биологияси, экологияси, филогенияси, эволюцияси, таксономияси бўйича тадқиқотлар хорижнинг етакчи олимлари J. Ahmed et al. (2007), A.S. Bowman, J.R. Sauer (2004) S. Fukumato et al.(2006), A.A. Guglielmone et al. (2010), F. Mohtarami et al. (2009), T. Motoyashiki et al. (2003) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида иксодид, жумладан, *Hyalomma* авлоди каналарининг минтақавий тарқалиши ва ҳайвонларни зарарлаш хусусиятларига бағишланган ишлар И.Г. Галузо (1950), Н.И. Агринский (1962), Ю.С. Балашов (1967, 1982, 1998), А.Н. Алексеев, З.Н. Кондрашова (1985), А.Н. Алексеев (1993), И.Н. Емельянова (2005), В.Н. Романенко (2005), Е.Н. Богданова (2008) ларнинг фаолиятида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда соҳага оид олиб борилган тадқиқотлар Я.М. Муратбеков (1963), С.А. Нодиров (1963), Х. Кузибаева (1964), У.Я. Узаков (1974), Ш.А. Абдурасулов (2006), И. Казаков (2010) натижасида иксод каналарининг тур таркиби, айрим минтақаларда тақсимланишига оид муҳим натижалар олинган. Бироқ, юқоридаги маълумотларда Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) иксод каналари фаунаси, уларнинг морфо-биологик ва экологик мослашишлари тўлиқ ақс эттирилмаган. Шунга кўра, *Hyalomma* каналарини комплекс таҳлил қилиш, уларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги ролини таҳлил этиш, ландшафтлар бўйича тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, сўлак бези секретининг таркиби ва таъсир механизмларини изоҳлаш, уларга қарши илмий асосланган кураш воситаларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-10-Т036 “Қишлоқ хўжалиги ва овланадиган ҳайвонларининг паразитар касалликларини олдини олиш чоралари ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йиллар), ФА-Ф5-Т230 “Сув ва қуруқлик ценозларида

паразитар тизим таркибий қисмининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016) ва ЁФ5-ФА-0-17793 “Қуруклик экосистемаси каналар ва умуртқалиларнинг паразит-хўжайин тизимидаги ўзаро алоқалари эволюцияси” (2014-2015) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида *Hyalomma* авлоди каналарининг фаунаси, биоэкологияси ва сўлак беи секретининг токсик хусусиятларини аниқлаш ва каналарга қарши кураш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида *Hyalomma* авлодига мансуб каналарнинг фаунаси, биоэкологияси, ландшафтлар бўйича тарқалишини аниқлаш;

*Hyalomma* каналарининг мавсумий кўпайиш динамикасини ҳамда ривожланишини тавсифлаб бериш;

*Hyalomma* каналарининг умуртқали ҳайвонларда учраш ҳолатларини таҳлил қилиш ва “паразит-хўжайин” муносабатларини муҳит омилларига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

*Hyalomma* каналарининг нафас олиш ва энергия сарфини экспериментал шароитда таҳлил қилиш;

*Hyalomma* каналар сўлагидаги биологик фаол моддаларни хусусиятларини аниқлаш;

*Hyalomma* каналарига қарши кураш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** *Hyalomma* авлоди каналари, турлар таркиби ва уларнинг сўлак безларидаги биологик фаол моддалардан иборат.

**Тадқиқот предмети** *Hyalomma* авлоди каналарининг турлар хилма-хиллиги, ландшафтлар бўйича тарқалиши, ҳайвонларни зарарлаш динамикаси, паразит-хўжайин тизимининг шаклланиши, морфологик мослашувлари, сўлакдаги фаол моддаларнинг ҳайвонларга таъсир механизмларини таҳлил этиш ва каналарга қарши курашда янги кимёвий ва биологик инсектицидларнинг самарасини аниқлаш ҳамда уларга қарши чоратадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида умумий қабул қилинган зоологик, паразитологик, экологик, физиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон экотизимларида *Hyalomma* каналарининг 6 - *H. dromedarii*, *H. asiaticum*, *H. detritum*, *H. scupense*, *H. anatolicum* ва *H. plumbeum* турлари аниқланган;

*Hyalomma* авлоди каналарининг табиий ва урбанлашган ҳудудларда кенг тарқалиши, уй ва овладиган ҳайвонларнинг зарарланиш ҳолати аниқланган;

Жанубий Ўзбекистон шароитида *H. asiaticum* канасининг доминантлиги, ушбу турнинг популяциялари миқдори ва ландшафтларда кенг тарқалиши билан асосланган;

ўрганилган ҳудуд шароитида “паразит-хўжайин” тизимининг шаклланиши таҳлил этилган ва каналарнинг морфо-биологик йўналишлари аниқланган;

*Hyalomma* каналари сўлагидаги биофаол моддалар таркиби ва уларнинг ҳайвон организмига таъсир механизмлари исботланган;

биофаол моддалар таркиби фосфолипаза А, протеаза ва оқсил моддалардан ташкил топганлиги асосланган;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари эктопаразитларига қарши кураш усуллари такомиллаштирилган ва янги кимёвий ҳамда биологик инсектицидлар таъсири самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик қилувчи - *Hyalomma* авлоди каналарининг ландшафтларда тарқалиши, уларнинг мавсумий экологик хусусиятларига оид маълумотлар асосида, каналарга қарши курашнинг такомиллашган чора тadbирлари ишлаб чиқилган. Жумладан, *Hyalomma* авлоди каналарига қарши кимёвий акарицидлар (азимитрин, вектоп), ўсимлик алколоидлари (TN-1) ва замбуруғ (*Beauveria bassiana*) энтомопатогенлар таъсир самарадорлиги аниқланган ва чорвачилик хўжаликларида фойдаланиш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** классик ва замонавий тадқиқот усуллари кўлланганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий мутаносиблиги, етакчи, нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жанубий Ўзбекистонда *Hyalomma* авлоди каналарини “паразит-хўжайин” тизимида ҳайвонларда паразитлик қилишга мослашиш хусусиятларини экологик таснифлаб берилганлиги, эктопаразитлар сўлаги таркибида биофаол моддалар - фосфолипаза, протеаза ва оқсиллар борлигини очиб берганлиги, уларнинг ҳайвонлар организмига таъсир механизмлари таърифлаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жанубий Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик ҳайвонларида паразитлик қилувчи - *Hyalomma* каналарига қарши янги инсектицидларни (азимитрин, TN-1, *Beauveria bassiana* штамлари) биологик самарадорлигини аниқланганлиги ва амалиётга тавсия этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари эктопаразитлари *Hyalomma* авлоди каналари фаунаси, морфо-биологик ва экологик хусусиятларини тадқиқ қилишдан олинган илмий-амалий натижалар асосида:

*Hyalomma* эктопаразитларига қарши кимёвий - азимитрин ва TN-1 ўсимлик моддалар препарати чорвачилик фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Давлат ветеринария кўмитасининг 2017 йил 30 августдаги 02/14-191-сон маълумотномаси). Натижада, азимитрин препарати билан

қорамолларни канасизлантириш ўртача 70 % ва TN-1 ўсимлик препарати қўлланилганда ўртача 80% самарадорликка эришиш имконини берган;

Қорақолпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги чорвачилик фермер хўжалигида вектоп препарати иксод каналарига қарши қўлланилган (Қорақолпоғистон Республикаси давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги 25/04-86-сон маълумотномаси). Натижада вектоп препарати билан қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини канасизлантириш ўртача 85% камайтириш имконини берган;

Argasidae ва Ixodidae оилаларига мансуб 15 турдан иборат 400 нусха кана намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 7 мартдаги 4/1255-597-сон маълумотномаси). Натижада намуналар қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари каналари фондини бойитган ва каналар турлари ҳилма хиллигини аниқлаш ва замонавий фаунасини ўрганишда атлас тайёрлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 15 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 15 та мақола, шулардан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умутқали ҳайвонлар ва уларнинг эктопаразитлари – Ixodidae оиласи каналари билан биоценотик алоқалари”** деб номланган биринчи бобида дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган маълумотлар акс этган. Жумладан, ўрганилаётган кон сўрувчи каналарнинг тур таркиби, уларнинг экологик хусусиятлари, ҳамда трансмиссив касалликларнинг ташувчиси сифатидаги аҳамияти, сўлак беи секретининг биофаол моддалари ва

уларнинг ҳайвонлар организмига таъсир хусусиятларига оид маълумотлар батафсил келтирилган.

Тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида эктопаразитларнинг асосий муаммоларига алоҳида урғу берилган ва уларнинг ечими бўйича *Hyalomma* авлоди каналари мисолида муҳокама қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “***Hyalomma* авлоди каналари бўйича тадқиқот ҳудудлари, материаллари ва усуллари**” га бағишланган бўлиб, икки бўлимни ўз ичига олади. Унда тадқиқот олиб борилган ҳудудларнинг қисқача табиий тавсифи келтирилган. Бобнинг иккинчи бўлимида *Hyalomma* каналарини йиғиш ва ўрганиш усуллари, намуналар йиғилган хўжаликлар ва жойлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишида 2008-2017 йиллар давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари чорвачилик хўжаликларидан йиғилган кана намуналарига ишлов бериш ҳақида методик ёндошуви батафсил баён этилган.

Диссертациянинг учинчи “***Hyalomma* Koch., 1844 авлоди каналарининг фаунаси ва экологик хусусиятлари**” бобида Ўзбекистоннинг жанубида *Hyalomma* каналари тур таркиби, тарқалиши ва экологик хусусиятларини ўрганишининг натижалари тақдим этилган. Эктопаразитларни ўрганиш натижасида *Hyalomma* авлодининг 6 тури аниқланган ва улар қуйидаги систематик ўринга эгаллиги изоҳланган:

Acari Leach, 1817 туркуми

Ixodidae Murr., 1890 оиласи

Amblyomminae Neveu – Lem., 1938 кенжа оиласи

*Hyalomma* Koch., 1844 авлоди

*Hyalomma dromedarii* Koch., 1844

*Hyalomma asiaticum* P. Sch. et E.Schl., 1929

*Hyalomma detritum* P. Sch., 1919

*Hyalomma scupense* P. Sch., 1918

*Hyalomma anatolicum* Koch., 1844

*Hyalomma plumbeum turanicum* V. Rom., 1946

Ушбу турлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг аксарият туманларида кенг тарқалганлиги аниқланди. Вояга етган каналар қора моллар, кўй, эчки, от, эшак, туя, ит, қуён, мушук, типратиконларда, личинка ва нимфалари майда ёввойи ҳайвонларда паразитлик қилиши кузатилди. Ўрганилган турларнинг кўпчилиги, икки ва уч хўжайинли бўлиб, ривожланиш фазалари, яъни личинка, нимфа, имаго даврлари турли ҳайвонларда амалга ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларда, яъни йиғиб олинган умумий каналар сонига нисбатан ушбу каналарнинг кишлоқ хўжалиги ҳайвонларида учраш динамикаси кузатилди. *H. asiaticum* деярли барча уй ҳайвонларида учраши кузатилди. Жумладан, битта ҳайвон танасида каналар сони 50 дан 100 гача бўлган миқдори аниқланди (1-жадвал). Тадқиқотларимиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида каналарнинг яшаш тарзини аниқлаш учун аввало каналар учрайдиган яйловлар, ҳайвонлар яшайдиган иншоотлар, сув ҳавзалари яқинидаги турли ҳайвонлар инида ва инсонлар яшайдиган

худудларда олиб борилди. *Hyalomma* авлоди каналарининг хулқ атвори турличадир, бу эса уларнинг турли шароитларга мослашишидан далолат беради. Ушбу авлод кана турлари тоғ, дашт, чўл ва ярим чўлларда, шунингдек инсонлар яшайдиган худудларда учраши аниқланди.

#### 1-жадвал

#### *Hyalomma* авлоди каналарининг уй ҳайвонларида учраши (2008-2017 йй)

Кана турлари	Уй ҳайвонлари				
	<i>Bos taurus</i>	<i>Ovis aries</i>	<i>Capra hircus</i>	<i>Equus caballus</i>	<i>Equus asinus</i>
<i>Hyalomma dromedarii</i>	+	+	+	+	+
<i>H. asiaticum</i>	++	++	+	+	++
<i>H. detritum</i>	+	+	+	+	+
<i>H. scupense</i>	+	+	+	++	+
<i>H. anatolicum</i>	+	++	+	+	+
<i>H. plumbeum turanicum</i>	+	+	-	+	-


Изоҳ: (+ каналар сонинг 10 дан 50 гача бўлган миқдори; ++ каналар сонинг 50 дан 100 гача бўлган миқдори, - каналар сонинг учрамаслиги)

*Hyalomma* авлоди каналари ривожланиши, кўпайиши учун абиотик ва биотик шароитларга мослашиш жараёнлари жуда юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда табиатнинг турли омилларига мослаша олган *Hyalomma* каналари сони кўпайиб, бошқа авлод вакиллари устидан устунлик қила бошлаган. Олинган натижаларга асосланган ҳолда, ҳозирги кунда Ixodidae оиласига мансуб каналар ичида, *Hyalomma* каналари энг кенг тарқалганлиги билан ажралиб туриши изоҳланган.

Ўрганилган турлар ичида турли биотоплар, зоналар ва умуртқали ҳайвонларда учраш фоизига асосланиб, *H. asiaticum* доминант тур эканлиги аниқланди. Тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда Республикаимизнинг жанубий худудларида кенг тарқалган *Hyalomma* авлоди каналарининг табиатдаги муайян тарқалиши, йил фаслларида кўпайиш динамикаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. *Hyalomma* каналари июнь ойида – 65 %, сентябрь – 78 %, октябрда кескин камайиши кузатилди (1-расм). *Hyalomma* личинкалари ноябрь, декабрь ойлари давомида ҳайвонлар қони билан озиқланиб нимфа даврига ўтади. Вояга етган каналарнинг кўп қисми январь-февраль ойларида туёқли ҳайвонларда учраши ва паразитлик қилиши аниқланди.

*Hyalomma* каналарининг ҳайвонларда мавсумий кўпайишида ҳарорат ва намлик муҳим рол уйнайди. Эрта баҳор ва қишнинг кечикиши каналар сонининг ортишига олиб келади. Тадқиқотларимиз мобайнида май ойининг охири ва июнь ойининг бошларидаги ўртача ҳарорат ва нисбий намлик олинди. Туманлардаги қорамоллар боқиладиган 1 км<sup>2</sup> ердаги *Hyalomma* каналарнинг ўртача ҳисоби олиниб, кун давомида уларнинг фаолиятини кузатиб борилди.

Ушбу тадқиқотимизни бир неча мартаба такрорлаб қуйидагича натижалар олинди. Соат 8<sup>00</sup> ва 10<sup>00</sup> оралиғида улар юқори фаоллик, яъни 85 % каналар чорва молларига ҳужум қилади, бу вақтда тупроқ ҳарорати 25-30 °С га ўзгариб туради ва ҳавонинг нисбий намлиги 32 % ни кўрсатади.




**1-расм. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида *Hyalomma* кана турларининг мавсумий учраши**

Қулай ҳарорат ва намлик каналарнинг озикланиш, ривожланиш, кўпайиш жараёнларининг тезлашишига имкон яратади. Бунинг натижасида каналарнинг ҳайвонларни зарарлаш кўрсаткичи ортиши билан изоҳланади. Шу билан бирга *Hyalomma* (*H. asiaticum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*) каналарининг ҳаётий цикли ва морфо-биологик хусусиятлари тадқиқ этилган. Олинган натижаларга асосланиб каналарнинг бир, икки ва уч хўжайинлик цикллари аниқланган. Ушбу маълумотлар, маълум адабиётларда келтирилган маълумотларга мослиги кузатилади. Лекин, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида каналарнинг фаоллик даврлари билан фарқланиши исботланган.

*Hyalomma* каналарининг биологик хусусиятларига кўра, чорва молларида учраши кузатилди: *H. asiaticum* қорамолларда – 84 %, қўйларда – 67 %, отларда – 46 %, эчкиларда - 35 %; *H. plumbeum* қорамолларда – 80 %, қўйларда – 72 %, отларда – 32 %, эчкиларда - 28; *H. scupense* қорамолларда – 66 % ва қўйларда – 58 %, отларда – 26 %, эчкиларда - 20 % ни ташкил этади (2-расм).

Ушбу каналарнинг ҳайвонларда ёппасига паразитлик қилиши баҳор фаслидан бошланиши аниқланган.



**2 - расм. *Hyalomma* каналарининг йирик ва майда шоҳли хайвонларда учраши**

Тадқиқотларимиз жанубий худудларда учровчи ёввойи хайвонларнинг *Hyalomma* каналари билан зарарланиш миқдори таҳлил қилинди. Текширилган барча ёввойи хайвонларда *H. asiaticum*, *H. detritum*, *H. anatolicum*, *H. plumbeum* турлари учраши, сон ва тур жиҳатидан кенг тарқалганлиги аниқланди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ёввойи умуртқалиларнинг *Hyalomma* каналари билан зарарланиш миқдори**

Хайвон турлари	Текширилган хайвонлар сони, нусха	Зарарланган	
		Миқдори, нусха	%
<i>Agrionemus horsfieldi</i>	17	10	58.8
<i>Varanus griseus</i>	7	3	42.8
<i>Coturnix coturnix</i>	18	6	37.5
<i>Phasianus colchicus</i>	22	9	41.0
<i>Hemiechinus auritus</i>	15	7	46.6
<i>Lepus capensis</i>	25	16	64.0
<i>Mus musculus</i>	35	23	65.7
<i>Rattus norvegicus</i>	30	17	56.6
<i>Vormela peregusna</i>	15	5	33.3
<i>Meles meles</i>	8	3	35.5
<b>Жами:</b>	<b>192</b>	<b>99</b>	<b>51.5</b>

Тадқиқотларимиз натижалари ва адабиёт (Балашов, 1967, 1982) маълумотлари асосида *Hyalomma* каналарининг айрим турларининг ҳаёт цикллари иккиламчи ўзгарганлиги кузатилмоқда. Кўп хўжайинли ривожланиш типи – бир хўжайинли бўлиб қолмоқда. Илгари кемирувчилар, ҳашоротхўрлар ва паррандаларнинг қони билан озикланувчи *H. plumbeum* турининг личинка ва нимфалари бугунги кунда битта хўжайинда (йирик шохли ҳайвонларда) озикаланишга мослашиб бориши кузатилмоқда. Ушбу жараён, ўта муҳим бўлиб, ҳозирги экологик танглик шароитида (ўзлаштириш, табиий ҳудудларни сув билан таъминлаш, урбанизация ва б.) каналар ривожланиш жараёнининг тезлашишига имконият яратиб беради. Бу жараёнлар, сўзсиз хўжайинлар (озиклантирувчилар) каналар ўртасидаги алоқаларни ўзгаришига, яъни модификацияланишига олиб келиш имкониятларидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда – каналарнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш нафақат бу муаммонинг назарий жиҳатлари учун аҳамиятли, балки маълум ҳудудларда одам ва ҳайвонлар касалликларининг олдини олишда уйғунлашган тадбирларни такомиллаштиришда ҳам зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг “*Hyalomma* авлоди каналарининг газлар алмашинуви” га бағишланган тўртинчи бобида Жанубий Ўзбекистонда кенг тарқалган *H. asiaticum*, *H. anatolicum*, *H. plumbeum* каналарининг газ алмашинувини қиёсий ўрганиш натижалари келтирилган.

Мазкур каналарда газ алмашинуви интенсивлиги анча фарқ қилиши кузатилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ташқи муҳитнинг турли ҳароратларида *Hyalomma* каналарининг газ алмашинуви даражаси (n = 12)

°C	<i>H. plumbeum</i>		<i>H. anatolicum</i>		<i>H. asiaticum</i>	
	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да О <sub>2</sub> сарф.	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да СО <sub>2</sub> ажр.	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да О <sub>2</sub> сарф.	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да СО <sub>2</sub> ажр.	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да О <sub>2</sub> сарф.	соатига гр оғирликка мм <sup>3</sup> да СО <sub>2</sub> ажр.
30	308.2±7.13 <i>2.50</i>	220.1±8.03 <i>2.40</i>	475.7±1.16 <i>1.75</i>	328.2±8.60 <i>1.46</i>	170,3±6.02 <i>1.87</i>	120,1±3.32 <i>1.69</i>
<b>20</b>	<b>123.1±2.3</b>	<b>90.2±1.1</b>	<b>270.9±2.3</b>	<b>223.6±2.29</b>	<b>90.9±1.11</b>	<b>70.6±1.15</b>
10	17.6±1.22 <i>6.98</i>	14,5±2.12 <i>6.21</i>	31.20±2.70 <i>8.68</i>	27.14±3.06 <i>8.25</i>	10.20±0.85 <i>8.91</i>	8.80±2.91 <i>8.02</i>

Изоҳ: Сарф. – сарфланиш, ажр.- ажрალიш. Курсив - газ алмашинувининг назоратга нисбатан ўзгариш даражаси (мартада) (назорат – 20 °C), (n = 12).

Муҳит ҳароратини пасайиши каналарда газ алмашинуви интенсивлигининг пасайишига олиб келади, бу эса О<sub>2</sub> сарфланиши ва СО<sub>2</sub> ажрალიши билан бирга содир бўлади. Газ алмашинуви даражасини таққослаш орқали газ алмашинувининг муҳит ҳарорати пасайганида кучли ўзгаришини кўриш мумкин. Масалан, муҳит ҳарорати 20 °C дан 30 °C га кўтарилганида каналарда газ алмашинуви икки марта атрофида ортади.

Моддалар алмашинуви бир неча бор тезлашади, улар организмидаги ёғлар парчаланеди. Бирок, муҳит ҳарорати 20 °C дан 10 °C га пасайганида газ-кислород алмашинувининг тахминан 7-9 марта сустлашганлиги кузатилди. Бунда *H. anatolicum*, *H. asiaticum* каналарида метаболизм кўпроқ камайиши аниқланди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иксод каналари ҳаёт тарзининг кам ҳаракатчан бўлиши уларнинг ҳаёт фаолиятига сарфланадиган энергия захирасини камайтиришга ёрдам берадиган газ алмашинувини пастроқ даражада бўлишига сабаб бўлади, бу орқали у каналарнинг экстремал омиллар таъсирида яшаши учун чидамлиликини кучайтиради. Тадқиқотларнинг катта қисми турли ҳароратларнинг газ алмашинувида таъсирини ўрганишга бағишланган, бу эса каналарнинг постэмбрионал ривожланиш даврида ушбу жараённинг ташқи ҳароратга боғлиқлиги характерини аниқлаш имконини берди. Натижалар кўрсатганидек, ўсаётган каналар ҳарорат омилига жуда ҳам боғлиқдир. Хусусан, муҳит ҳарорати 30 °C дан 10 °C га тушиб кетганида, *H. asiaticum* да метаболизм тезлиги 10 каррадан ортиқ пасайиб кетди. *H. anatolicum* да эса метаболизм тезлиги ҳароратга кўпроқ боғлиқ бўлди ва юқоридаги шароитда интенсивлик 15 каррадан ортиқроқ пасайиб кетиши аниқланди. Ушбу натижалар ҳам модда алмашинувини ҳарорат фарқига кучли боғлиқлигини тушунтириши мумкин. Бу жараён паст ҳароратларда метаболизмнинг паст даражаси кузатиладиган каналарнинг эрта постэмбрионал ривожланишида кўпроқ даражада ифодаланади. Каналарда газ алмашинувини ва параллел ҳолатда кислород (O<sub>2</sub>) сарфланишини ўрганганимизда, каналарда бир вақтнинг ўзида карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) ажралишининг интенсивлиги ҳам ўлчанди. Тажрибаларда турли ҳароратларда CO<sub>2</sub> ўзгаришини кўрсатувчи катталиклар кўп жиҳатдан O<sub>2</sub> ўзгаришининг характерини такрорлади. O<sub>2</sub> ва CO<sub>2</sub> ни аниқлаш бўйича олинган натижалардан фойдаланиб нафас олиш коэффицентини ҳисоблаш мумкин. Маълум бўлишича, ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши маълум бир қонуниятга эгадир. Хусусан, у 10 °C га қараганда 30 °C да юқорирокдир. Натижалар юқори ҳароратларда энергетик метаболизмда ёғлар ва оксиллар қатнашини, муҳит ҳарорати пасайганда эса озуканинг углеводли компонентлари кўпроқ фойдаланилишини кўрсатади.

Умуман олганда, олинган натижалар каналар ривожланишининг постэмбрионал давридаги метаболизм хусусиятлари тўғрисидаги айрим фикрларга аниқлик киритади. Ушбу жараён каналарнинг физиологик ҳолатига боғлиқлигини, паразит ҳаёт кечирувчанлигига мослашиш механизмларини ўрганишга ёрдам беради. Шу билан бирга личинка ва нимфа фазаларида ушбу каналар метаболизм энергиясини тежаб сарфлаш ва муҳит ҳарорати пасайиб кетганида ушбу параметрни сезиларли даражада қисқартириш қобилиятига эгалигидан далолат беради.


Диссертациянинг “*Hyalomma* авлоди каналари сўлак бези секретининг токсик хусусиятлари” деб номланган бешинчи боби қатор бўлимларни ўз ичига олади. Биринчи бўлимида *Hyalomma* каналари оғиз апаратининг тузилиши бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Диссертацияда келтирилган *Hyalomma* авлоди каналарининг умумий морфологик белгилари қон сўришга мослашганлиги билан изоҳланади.

*Hyalomma* каналар сўлак беzi секретининг иссиқ қонли ҳайвонларга токсик таъсирини ўрганиш иккинчи бўлимда ўз ифодасини топган.

Олиб борилган биокимёвий тадқиқотлардан маълум бўлдики, кана заҳари куйидаги ферментлардан ташкил топган: *H. asiaticum* - фосфолипаза А-0.29 мкМ/мин.мг, протеаза-0.07 мкМ/мин.мг, оксил миқдори - 75-80 %; *H. detritum* - фосфолипаза А-0.34 мкМ/мин.мг, протеаза-0,12 мкМ/мин.мг, оксил миқдори- 75-80 %; *H. anatolicum* - фосфолипаза А-0.33 мкМ/мин.мг, протеаза-0.09 мкМ/мин.мг, оксил миқдори - 75-80 % ни ташкил қилади (3-расм). *H. asiaticum*, *H. plumbeum* ва *H. anatolicum* сўлак беzi секретининг заҳарчанлик хусусиятининг ўлдирувчи дозаси, сичқон ва каламушлар учун тахминан бир-бирига яқинлиги аниқланди. Сўлак беzi секретининг сичқон ва каламушларга юборилганда, дастлаб орқа оёқлар, кейин олдинги оёқлар фалажланиши кузатилди ва нафас олиш жараёни қийинлашди. Шу билан бирга яққол тарзда намоён бўлувчи нейротоксик, геморагик таъсир хусусиятига эга эканлиги аниқланди ва тадқиқот ҳайвонларида ўлим ҳолати кузатилди.

*Hyalomma* авлоди каналарининг сўлак беzi секретининг иссиқ қонли ҳайвонларнинг қорин бўшлиғига юборилганда: LD<sub>50</sub> миқдори -*H. asiaticum*-186±5.4 мг/кг; *H. plumbeum* – 160±4.5 мг/кг; *H. anatolicum* - 170±5.2 мг/кг. ни ташкил қилди.



**3-расм. *Hyalomma* авлоди каналари сўлагининг фосфолипаза ва протеаза фаоллиги (мкМ/мин. мг оксил)**

Изоҳ: Инкубация муҳити: 0,01% тритон Х-100, 10 мМ СаСl<sub>2</sub>, 150 мМ NaCl, фосфолипаза субстрати. СБЭ 1·10<sup>-4</sup> г/л миқдорда қўшилган. Расмда рақамлар билан келтирилган: 1.-*H. detritum*; 2. – *H. anatolicum*; 3. – *H. asiaticum*.

Кейинги тажрибаларда каналарнинг ҳужайравий таъсир механизмини чуқурроқ ўрганиш мақсадида, каналар сўлак беzi экстракти (СБЭ) нинг каламуш жигаридан ажратиб олинган митохондриянинг мембрана функциясига шикастловчи таъсирини ўрганишга бағишланган.

Тажриба натижаларига асосланган ҳолда, *H. asiaticum* сўлак беи экстракти таркибида митохондриянинг функционал параметрларига; хусусан, мембрана ўтказувчанлигининг ортишига ва 4 метаболик ҳолатда митохондрия нафас олишининг бузилишига олиб келувчи фосфолипаза ва лизофосфолипаза фаоллигига эга бўлган компонентлар мавжудлигини тахмин қилишимиз мумкин. *H. anatolicum* СБЭ нинг *in vitro* шароитида митохондриянинг энергетик параметрларига таъсири уларнинг дозаларига боғлиқлиги аниқланади. Тадқиқотларда каналар СБЭ нинг митохондрияга таъсир қиладиган айрим хусусиятлари аниқланди. Каналар СБЭ кам дозалари таъсирида митохондрияда нафас олиш жараёни ишончсиз ўзгаришини кўриш мумкин, бироқ юқори дозаларда митохондрияларнинг нафас олиши 3 - ҳолатдаги каби 4 - ҳолатда ҳам ингибирланишга олиб келиши кузатилди.


Тажриба натижалари биринчи навбатда *H. detritum* СБЭ нинг хусусияти *H. asiaticum* СБЭ дан кескин фарқ қилишини кўрсатди, яъни *H. asiaticum* СБЭ учун митохондриянинг нафас олишига парчаловчи (ажратувчи) таъсир кўрсатиши типик хисобланади. Аниқланган тафовутлар, шубҳасиз, қизиқарли бўлиб, уни келгусида янада кенгроқ ўрганиш имконини беради. Тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган каналар учун фаол таъсир қилувчи доза митохондриянинг инкубацияланган 1 мл суспензиясига 250 мкг ни ташкил қилди.

СБЭ ўртасидаги юқорида айтиб ўтилган фарқлар, шубҳасиз, уларнинг таркиби турлича эканлиги билан белгиланади. Хусусан, тадқиқот натижаларидан *H. asiaticum* СБЭ ўз таркибида *H. detritum* дан фарқли кучлироқ таъсирга эга эканлиги, *H. detritum* СБЭ митохондриянинг нафас олишини бузувчи таъсири кучсиз ифодаланган, бу эса унинг таркибида бошқа ўзига хос таъсир қилувчи нейротоксик компонентлар мавжудлигини кўрсатади. Олинган натижалар “паразит-хўжайин” системасининг ўзаро муносабатларини субхўжайравий механизмларини кенгроқ ўрганиш имконини беради.

Ушбу бўлимда *Hyalomma asiaticum* СБЭ нинг каламуш аортаси силлиқ мушак хўжайраларининг қисқарувчанлик фаоллигига таъсири келтирилган.

Кальцийли муҳитдаги аорта препаратларида *H. asiaticum* сўлак безларининг экстракти дозага қараб мушакларни бўшашига олиб келиши аниқланади. Тажрибаларда аорта препаратлари назоратга нисбатан муҳитга 60 мМ КСІ қўшиш билан 100 % қисқартирилди. Сўлак безлари 50-200 мкМ концентрация оралиғида силлиқ мушак хўжайралари (СМХ) ни дозага қараб бўшашишини чақирди: 50 мкМ концентрацияда бўшашиш  $10 \pm 2.1$  %, 100 мкМ концентрацияда назоратга нисбатан бўшашиш  $40 \pm 1.2$  % ни ташкил қилди (4-расм).


Тажрибаларимизда 1 мкМ норадреналин аорта препаратини гиперкалийли эритмага қараганда 25-30 % кучлироқ қисқартирди. Ушбу шароитларда экстрактлар нисбатан камроқ релаксант таъсир кўрсатиши аниқланди. Назоратга нисбатан 50 мкМ концентрацияда бўшашиш фақатгина  $18 \pm 4.2$  % ни, 100 ва 150 мкМ да эса  $22.5 \pm 2.6$  % ва  $37 \pm 3$  % ни ташкил этди.



**4-расм. *Hyalomma asiaticum* сўлак бези экстрактининг бўшаштириш таъсирини концентрацияга боғлиқлиги**

Максимал концентрация 200 мкМ да эса аорта препаратини бўшашини  $37 \pm 3.6$  % кузатилди. Тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, *H. asiaticum* сўлак бези экстрактларининг релаксантлик таъсири унинг СМХ даги  $Ca^{2+}$  ташувчи системалар билан ўзаро алоқаси билан ифодаланади. Аорта препаратларининг гиперкалийли эритма билан чақирилган  $Ca^{2+}$  тутувчи мухитдаги қисқариш фаоллигига таъсири  $Ca^{2+}$  ионларининг плазматик мембранадаги потенциал бошқарилувчи  $Ca^{2+}$  каналлари орқали ўтказилиши тўхташи билан боғлиқ. Тадқиқотларда СБЭ гипотензив таъсирга эга бўлиб, уни асосида каламуш аортаси СМХ даги потенциал-бошқарилувчи ва рецептор бошқарилувчи  $Ca^{2+}$  каналларини модификациялаш хусусиятига эга эканлиги очиб берилди

Юқоридаги тадқиқотларни давом эттирган ҳолда *H. asiaticum* канаси лиофил ҳолда қуритилган сўлак бези секретини гельфилтратция усули ёрдамида IX фракцияларга ажратилди (5-расм).



**5-расм. *Hyalomma asiaticum* сўлак безлари экстрактининг IX фракция гельфилтратцияланиш хроматограммаси**

Ушбу фракциялардан I, V, VIII фракциялар гомеостаз системага сезиларли таъсири борлиги қайд этилди. Ушбу фракциялар таркибидаги 20 эркин аминокислоталар мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг олтинчи боби “*Hyalomma* авлоди каналарига қарши чора-тадбирини такомиллаштириш” га бағишланган. *Hyalomma* каналарига қарши кимёвий препаратларни синовдан ўтказиш бўлимида азиметрин 10 % ва вектоп 20 % препаратлари тадқиқ этилган. 2010-2017 йиллар давомида Сурхондарё вилояти Шерабод тумани Таллашқон жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 6 та фермер хўжалигида, шу билан бирга, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги чорва молларида *Hyalomma* каналарига қарши синовдан ўтказилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### *Hyalomma* каналарига кимёвий акарицидлар таъсири

Суспензия г/мл	Қорамол сони	Чўмилтирилган, тажриба кунлари давомида нобуд бўлган личинка, вояга етган каналар миқдори (%)		Самарадорлик(%)
		2-кун	7-кун	
Назорат	30	30 (0)	30 (0)	0
Азиметрин 10 % ли (0.5 мл/5 литр)	30	14.7±0.14	20±0.05	70.4±0.06
Вектоп 20 % ли (0.5 мл/5литр)	30	18±0.055	22±0.45	80.3±0.045

Изоҳ: Йирик шохли ҳайвонлардаги *Hyalomma* каналарига азиметрин 10%, вектоп 20% препаратларининг таъсири. Натижалар 4 мартаба такрорий ҳолатда амалга оширилган (n = 4).

Азиметрин (0.5 мл 10 % ли (0.5 мл/5 литр) сувли эмульсияси таъсирида қорамоллар танасида кана личинкалари, нимфа ва имаго босқичидаги индивидлари назорат гуруҳига нисбатан тажрибамизнинг 7 кунида 70.4 % га, вектоп препарати (0.5 мл/5 литр) назоратга нисбатан 80.3 % га камайганлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлими - каналарга қарши *Beauveria bassiana* энтомопатоген замбуруғларни қўллашга бағишланган. Бу замбуруғ штаммини ЎзР ФА Зоология институти Умумий энтомология лабораториясидан титрлари олиниб, *H. asiaticum* канасига ( $1 \cdot 10^3$ ,  $1 \cdot 10^5$ ,  $1 \cdot 10^7$  спора/мл) нисбатан нобуд қилувчи таъсир самарадорлиги ўрганилди.

$1 \cdot 10^3$  спора/мл концентрацияда *H. asiaticum* кана тури тажрибанинг охириги кунида 62.2 % ни,  $1 \cdot 10^5$  спора/мл концентрацияда 15 куни 73.3 % ва  $1 \cdot 10^7$  спора/мл концентрацияда *H. asiaticum* кана турига қарши нобуд қилувчи таъсири самарадорлиги қиймати 15 кунга келиб 85.3 % ни ташкил қилиши аниқланди. Амалий тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда 2016 йил 18 октябр куни Сурхондарё вилояти Денов туманидаги “Ҳаким хожи” фермер хўжалигида – *Hyalomma* каналари билан зарарланган қора моллар. TN–1 (10 %) препарати билан ишлов берилди. Тажрибанинг иккинчи куни 60.6 % га, бешинчи куни 80 % гача личинка ва вояга етган каналарнинг нобуд бўлиши кузатилди. Ушбу препаратлар каналарга қарши, етарли даражада самарадорликга эгаллиги исботланди.

## ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистон жанубидаги *Hyalomma* авлоди каналарининг фаунаси ва сўлак бези секретининг токсик хусусиятлари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида *Hyalomma* авлодига мансуб каналарнинг 6 та тури – *H. dromedarii*, *H. asiaticum*, *H. detritum*, *H. scupense*, *H. anatolicum* ва *H. plumbeum* учраши аниқланди. *H. asiaticum* доминант тур эканлиги аниқланди.

2. Чорвамоғлар танасида *H. asiaticum* билан зарарланиш йирик шохли ҳайвонлар -84 %, қўйларда -67 %, отларда -46 %, эчкиларда -35 % ни ташкил этади.

3. *Hyalomma* авлоди каналарининг мавсумий учраш динамикаси аниқланди. *H. asiaticum* апрель ойининг ўрталарида 65 %, августнинг охири ва сентябрда бошқа турларга нисбатан улар сонининг 78 % кескин ортиши қайд этилди.

4. *Hyalomma* авлодига мансуб урғочи каналар 26-35<sup>0</sup>С қуруқ тупроққа 5000 донагача тухум қўяди. Эмбрионал ривожланиши апрель ва майда 20-28 кун, июн ва июлда 30-33 кун, августда 19-28 кунни ташкил қилиши, личинкаларнинг тухумдан оммавий чиқиши 8-10 кун давом этиши аниқланди.

5. *Hyalomma* каналарининг газ алмашинуви ҳароратни кўтарилиши ёки суғлашиши билан боғлиқлиги исботланди.

6. *Hyalomma* каналар СБЭ нинг иссиқ қонли ҳайвонлар организмига таъсири биофаол моддаларнинг концентрацияга боғлиқлиги билан изоҳланади.

Ушбу кана турлари СБЭ нинг сичқонларда LD<sub>50</sub> дозаси: *H. asiaticum* – 186±5.4; *H. plumbeum* – 160±4.5 мг/кг ва *H. anatolicum*– 170±5.2 мг/кг; каламушларда LD<sub>100</sub> дозаси: *H. asiaticum* – 192±4.8; *H. plumbeum* – 180±3.6 мг/кг ва *H. anatolicum* – 190±3.8 мг/кг ни ташкил қилиши аниқланди. Кана захари (LD<sub>100</sub>) таъсирида нобуд бўлган тажриба ҳайвонларида нейротоксик, геморрагик таъсирга эга эканлиги исботланди.

7. *H. asiaticum* канасининг СБЭ митохондрия мембранасининг метаболитик функцияларини бузилиши билан изоҳланди. Кичик микдорда оксидланиши, митохондриянинг 1мл суспензиясига 250 мкг - асосий таъсир қилувчи дозасига боғлиқлиги аниқланди.

8. *H. asiaticum* канаси лиофил ҳолда қуритилган сўлак бези секретининг 9 фракцияларга ажратилди ва I, V, VIII фракциялар гемостаз тизимида сезиларли таъсири борлиги қайд этилди.

9. Азиметрин ва вектоп кимёвий препаратларининг самараси 70.4 % ва 80.3 %, TN – 1 ўсимлик препарати алкалоиди биологик самараси – 80 %, ҳамда *Beauveria bassiana* замбуруғ штамми 85.3 % ни ташкил этади ва улар ҳайвонлар эктопаразитлари популяцияларининг сонини камайтириш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**УМРКУЛОВА СОЖИДА ХУСАНОВНА**

**ФАУНА КЛЕЩЕЙ РОДА *HYALOMMA* ЮГА УЗБЕКИСТАНА И  
ТОКСИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СЕКРЕТОВ СЛЮННЫХ ЖЕЛЕЗ**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/B112**

Диссертация выполнена в Институте зоологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:** **Азимов Джалалиддин Азимович**  
доктор биологических наук, профессор, академик

**Официальные оппоненты:** **Дадаев Сайдулла**  
доктор биологических наук, профессор

**Эшова Холиса Саидовна**  
доктор биологических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «30» апрель 2018 года в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Боғишамол, 232б. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [info-zoology@academy.uz](mailto:info-zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 11). Адрес: 100053, Ташкент, ул.Боғишамол, д.232б. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «16» апрель 2018г.  
(реестр протокол рассылки № 12 от «16» апреля 2018г.)

**Э. Шерназаров**

Зам. председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

**Г.С. Мирзаева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**Э.Б. Шакарбоев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время, глобальное изменение окружающей среды приводит к широкому распространению паразитических организмов у сельскохозяйственных и охотничье-промысловых животных, а также, увеличению спектра их вредоносного воздействия. В этом отношении, в результате воздействия кровососущих эктопаразитов клещей семейства Ixodidae наблюдается резкий спад в развитии животноводства, а также снижение продуктивности скота. Исходя из этого, обеспечение продовольственной безопасности в сельском хозяйстве и усовершенствование системы защиты продуктивных животных от заражения эктопаразитами, разработка новых средств и методов для данных целей является одной из важнейших проблем.

В частности, в научных центрах передовых стран, для стабильного развития животноводства важную роль играет продовольственная безопасность, в связи с чем, особое внимание уделяется проведению научно обоснованных исследований по применению различных методов и средств для управления численности эктопаразитов, исходя из их видового состава, биологических и функциональных свойств. Между тем, в сферах животноводства и ветеринарной практике отдельное место занимают широко распространенные эктопаразиты - клещи рода *Hyalomma*, вызывающие опасные заболевания. Определение особенностей их распространения, видового разнообразия и формирования системы паразит-хозяин в различных агроценозах, а также в естественной среде, имеет важное значение при разработке мероприятий по борьбе с ними.

На сегодняшний день, в нашей Республике уделяется особое внимание устранению заболеваний, наблюдаемых у сельскохозяйственных и промысловых животных, а также, повышению их продуктивности, путем развития отраслей животноводства, коренного совершенствования системы управления. На основании отдельных программных мероприятий, достигнуты конкретные результаты, в частности, в сфере определения отрицательного воздействия кровососущих насекомых на животных (крупный рогатый скот, овцы, козы, лошади, верблюды и др.) и применения инсектицидов в управлении их численности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены задачи «по модернизации сельского хозяйства, улучшению качества ветеринарных услуг и обеспечению стабильности эпизоотического процесса»<sup>1</sup>. В данном направлении, считаются важными научные исследования по определению видового состава, экологии доминантных видов и жизненного цикла клещей рода *Hyalomma*, а также, биологической активности их слюнных желез и разработке усовершенствованных методов борьбы с клещами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «О

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

ветеринарии», Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-842 «О дополнительных мерах по усилению стимулирования, увеличения поголовья скота в личных подсобных, дехканских и фермерских хозяйствах и расширению производства животноводческой продукции» от 21 апреля 2008 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V - «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по изучению состава видов клещей семейства Ixodidae, морфологии, биологии, экологии, филогении, эволюции, таксономии, проведены зарубежными исследователями J. Ahmed et al. (2007), A.S. Bowman, J.R. Sauer (2004) S. Fukumato et al.(2006), A.A. Guglielmone et al. (2010), F. Mohtarami et al. (2009), T. Motoyashiki et al. (2003) и др. Исследования, посвященные региональному распределению, особенностям заражения иксодид, в частности клещей рода *Hyalomma* отражены в деятельности И.Г. Галузо (1950), Н.И. Агринского (1962), Ю.С. Балашова (1967, 1982, 1998), А.Н. Алексеева, З.Н. Кондрашовой (1985), А.Н. Алексеева (1993) И.Н. Емельяновой (2005), В.Н. Романенко (2005), Е.Н. Богдановой (2008).

В нашей стране по исследованиям видового состава иксодовых клещей, регионального распределения, проведенных в данной сфере, получены важные результаты Я.М. Муратбековым (1963), С.А. Нодировым (1963), Х. Кузибаевой (1964), У.Я. Узаковым (1974), Ш.А. Абдурасуловым (2006), И. Казаковым (2010). Однако, в вышеуказанной информации полностью не отражены данные по фауне иксодовых клещей Южного Узбекистана (Сурхандарьинская и Кашкадарьинская области), их морфо-биологической и экологической адаптированности. В связи с этим, комплексное исследование клещей *Hyalomma*, их роли в системе «паразит-хозяин», определение особенностей распространения, изучение состава секретов слюнных желез и механизмов их действие, определение научно обоснованных средств борьбы и внедрение в практику, имеют важное значение.

**Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена работа.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ фундаментальных проектов Института зоологии ФА-А-10-Т036 «Разработка мер и современных способов профилактики паразитарных болезней сельскохозяйственных и промысловых животных» (2009-2011), ФА-Ф5-Т230 «Закономерности формирования и функционирования компонентов паразитарной системы водных и наземных ценозов» (2012-2016) и ЁФ5-ФА-0-17793 «Эволюция паразито-хозяинных

взаимоотношений в системе клещи позвоночные в наземных экосистемах» (2014-2015).

**Целью исследования** является определение фауны, биоэкологии и токсических свойств секретов слюнных желез клещей рода *Hyalomma* в южных регионах Узбекистана и усовершенствование методов борьбы против клещей.

**Задачи исследования:**

определение фауны, биоэкологии, ландшафтного распространения клещей рода *Hyalomma* в южных регионах Узбекистана;

описание динамики сезонного распространения и развития клещей *Hyalomma*;

определение взаимоотношений внутри системы «паразит-хозяин» в связи с факторами среды и проведение анализа встречаемости клещей *Hyalomma* на позвоночных животных;

анализ расхода энергии и дыхания клещей *Hyalomma* при экспериментальных условиях;

определение свойств биологически активных веществ слюны клещей *Hyalomma*;

совершенствование методов борьбы против клещей *Hyalomma*.

